

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕГМАТОВА ГУЛЧЕХРА ХОЛМУРОТОВНА**

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КОРПУСИДА ИДИОМАЛАР БАЗАСИНИ ЯРАТИШ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) in  
philological sciences**

**Бегматова Гулчехра Холмуродовна**

Ўзбек миллий корпусида идиомалар базасини яратиш ..... 3

**Бегматова Гулчехра Холмуродовна**

Создание базы идиом в национальном корпусе узбекского языка..... 23

**Begmatova Gulchekhra Xolmurotovna**

Creating a base in the National Corpus of the Uzbek language ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕГМАТОВА ГУЛЧЕХРА ХОЛМУРОТОВНА**

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КОРПУСИДА ИДИОМАЛАР БАЗАСИНИ ЯРАТИШ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Fil1026 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Термиз давлат университети веб-саҳифасининг [www.tersu.uz](http://www.tersu.uz) ҳамда "Ziyounet" ахборот-таълим порталининг [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.


<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Махмаранмова Шохисга Тухташевна</b> филология фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Каримов Сулол Амирович</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Маматов Абди Эшонкулович</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Етақчи ташкилот:</b>	<b>Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети</b>


Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» июль соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел: (876) 221-74-55; факс: (876) 221-71-17; e-mail: termizdu@mail.uz).


Диссертация билан Термиз давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел: (876) 221-74-55.

Диссертация автореферати 2021 йил «15» июль куни тарқатилди.  
(2021 йил «15» июль даги 1 рақамли реестр баённомаси).



  
**Б. Умуркулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., доцент

  
**А. Эшмуминов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.д.

  
**Ш. Ёкубов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, ф.ф.н., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон фразеографик амалиётида идиоматик бирликларни таснифлаш муаммоси марказий масалалардан саналади. Тилнинг системавий унсури бўлган мазкур лингвомаданий бирликлар тадқиқи айниқса, лексикология, лексикография, корпус лингвистикасида тез-тез кўзга ташланмоқда. Гарчи XXI аср илм-фани бу борада электрон корпуслар мисолида кенг тадқиқ имконини яратган бўлса-да, идиомаларнинг миллий лисоний табиати уларни луғатлаштириш ҳамда миллий корпусда бериш ишларини бир қадар мураккаблаштиради. Бинобарин, идиоматик қурилмаларни қайта ишланувчи, лингвистик таснифланган, машинада ўқиладиган металингвистик маълумотлар форматида тақдим этиш муаммоси ҳануз долзарблигича қолмоқда.

Дунё корпус лингвистикасида идиомаларни семантик, синтактик ва прагматик жиҳатдан текшириш, улар таркибидаги сўзларнинг ўзаро бирика олиш (collocation) имкониятини тадқиқ этиш, фразеологик бутунликларни модификацияланиш хусусиятига кўра идиома ёки ўзга типли турғун бирикма сифатида таснифлаш муаммоси тўлиқ ҳал этилганича йўқ. Қатор тилларнинг Миллий корпусида идиомаларни разметкалашга доир жадал амалиёт кечаётганига қарамай, матнни автоматик қайта ишлайдиган дастурларнинг таржима сифатини яхшилаш мақсадида идиоматик конструкцияларни моделлаштириш ўз ечимини кутаётган муҳим масалалардан бири бўлиб турибди.

Мамлакатимизнинг бугунги мавқеи, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, қолаверса, глобализм феномени билан боғлиқ турли омил давлат тили масаласига жиддийроқ ёндашувни кун тартибига қўйди. “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатини таъминлаш, бу борада аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”<sup>1</sup>. Бинобарин, барча илмий йўналишлар қаторида тилшуносликда ҳам “...илмий ва ижодий изланишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш вазифа”сининг<sup>2</sup> белгиланиши тилшуносликнинг қўллаб-қувватлаш анъанавий муаммолари, хусусан, жонли ўзбек тилининг “қаймоғи бўлган”<sup>3</sup>, миллий-маданий кодланган турғун бирликларни авлоддан-авлодга етказиш масаласининг янгича ечим топиши ҳамда уларга доир анъанавий муаммоларни ҳал қилишда ишончли натижаларга эришишни кафолатлайди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.13.

<sup>3</sup> Саломов Ғ.Т. Рус тилидан ўзбек тилига мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. - Тошкент, 1961. – Б. 3.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармонидан келиб чиқиб, давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш, давлат тилининг илм-фан тили сифатида нуфузини ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4997-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сон Қарори, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган таълим, илм, фаннинг барча соҳалари ва босқичларида ахборот технологияларини жорий этиш ҳақидаги таклифи ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзунинг умумий методологик асосини Ф.Ф.Фортунатов, Ф.И.Буслаев, Ш.Балли, А.А.Шахматов, Е.Д.Поливанов, В.В.Виноградов, С.И.Абакумов, Г.К.Данилов, Г.О.Винокур, В.Н.Державин, А.И.Ефимов, А.Я.Рожанский, И.Е.Аничкин, Л.П.Смит, В.П.Жуков, В.Н.Телия, Н.М.Шанский, Н.Н.Амосов, А.М.Бабкин, В.М.Савицкий, М.Л.Ковшова, Е.Д.Балигина, О.В.Елисеева, М.А.Ганюшина, С.Е.Максимец, Т.В.Кара-Казарьян, О.В.Куманок, Р.Саидов, Г.Ниннин, Т.С.Талабов, Е.М.Маклакова, Н.У.Ворокова, Н.В.Щенникова, Н.В.Баско, В.М.Мокиенко, Е.М.Гирняк, Т.С.Борщевская, И.Е.Аничков, К.Н.Мочалина, Н.Елисеева, Н.Горобец, А.Ў.Аksoy, Л.Э.Бинович, ўзбек тилшуносларидан Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиев, А.Маматов, М.Рўзикулова,

Б.Йўлдошев, Д.Худайбергана, Ш.Усмонова каби олимларнинг назарий қарашлари ташкил қилди.

Тадқиқотнинг корпус лингвистикаси билан боғлиқ назарий асослари сифатида В.П.Захаров, В.Плунгян, В.В.Мамонтова, О.В.Кукушкина, А.А.Поликарпов, Е.В.Суровцевалар, ўзбек тилшунослигида компьютер лингвистикаси, матнга лексикографик ишлов бериш ва лингвостатистик таҳлил этиш борасида эса А.Л.Юсупов, А.Пўлатов, С.А.Каримов, Б.Р.Менглиев, С.Мухамедов, М.Айимбетов, С.Мухамедова, Н.Абдурахмонова, Ш.Ҳамраева<sup>1</sup> ва бошқаларнинг назарий қарашларига таянилди<sup>2</sup>. Бу тадқиқотларда тил бирликларини лексикографик ва лингвостатистик тадқиқ этиш, ўзбек лингвистик корпусларини яратишнинг усул ва тамойиллари тавсия этилган бўлса-да, уларда лингвомаданий бирликлар, жумладан, идиомалар базасини яратиш масаласи кун тартибига қўйилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаси таркибига кирувчи “Ўзбек тилшунослиги: бадий нутқ таҳлили, антропоцентрик назария, этнолингвистика, корпус тилшунослиги” мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** ўзбек миллий корпусида идиомалар базасини шакллантиришнинг илмий, назарий-амалий асосларини ёритиш орқали уларни тил корпусига киритиш ҳамда разметкалаш масалаларининг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

идиомаларнинг миллий лисоний табиатини ўрганишга бағишланган методологик қарашларни ўрганиш;

ўзбек тилида идиомаларнинг лексикографик тадқиқ даражасини текшириш;

идиомалар таснифида тиллараро тафовутни текшириш;

тил таълимида идиомаларни ўрганишнинг оптимал усулларини ўрганиш;

---

<sup>1</sup> Ҳамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари. Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. афтореф. – Бухоро, 2018.

<sup>2</sup> Мухаммедов С.А. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов: Автореф. дисс... канд. фил. наук.- Ташкент, 1980; Бабанаров А. Разработка принципов построения словарного обеспечения турецко-русского машинного перевода: Автореф. дисс... канд. фил. наук. - Л., 1981; Айымбетов М.К. Опыт лингвостатистического анализа лексики и морфологии каракалпакского публицистического текста: Автореф. дисс... канд. фил. наук.- Ташкент, 1987; Каримов С., Қаршиев А., Исроилова Г. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Алфавитли луғат. Частотали луғат. Терс луғат, - Тошкент, 2007; Ризаев С. Ўзбек тилининг лингвостатистик тадқиқи: Фил.фан.док.дис...автореф. - Тошкент, 2008; Мухаммедова С. Ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъмин яратиш. Методик қўлланма. - Тошкент, 2006; Ўринбоева Д.Б. Ўзбек фольклори матнларининг лингвостатистик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2010; Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси: Фил. фан. док. дис...автореф. - Тошкент, 2017; Абдурахмонова Н.З. Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти (Содда гаплар мисолида) : Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. афтореф. – Тошкент, 2018; Пўлатов А. Компьютер лингвистикаси. – Тошкент: Akademnashr, 2011.; Норов А. Компьютер лингвистикаси асослари. – Қарши, 2017. – 136 б..

тил корпусларида фразеологик чатишмаларнинг – идиомаларнинг берилишини жаҳон корпус лингвистикаси мисолида ўрганиш;

ўзбек тилининг Миллий корпусида идиомаларнинг электрон тезкор қидирув базасини яратиш.

**Тадқиқотнинг объектини** ўзбек тили идиомалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предметини** ўзбек тилидаги идиомаларни миллий корпусга киритиш масалалари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда қиёсий, статистик, шунингдек, корпус лингвистикасининг латент таҳлил, ўзаро маълумот, матнларни бирлаштириш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили миллий корпусида идиомалар базасини шакллантиришда лексикографик асоснинг етарли эмаслиги, луғатларда идиомалар фразеологик birlikлардан ажратилмай тавсифланганлиги, изоҳларда аниқ тамойилга асосланмаганлиги аниқланган;

коллокациялар (турғун бирикмалар)нинг ўзбек ва хорижий (рус, инглиз) тилларида морфологик анализаторлар функционал имкониятининг лингвистик таъминот жиҳатидан фарқли, семантик разметкалаш ҳамда математик моделлаштириш усуллари жиҳатидан эса муштарак эканлиги аниқланган;

латент-семантик таҳлил, ўзаро алоқадор ахборотни баҳолаш, параллел матнларни бирлаштириш усуллари асосида идиоматик қурилмаларни математик моделлаштиришнинг асослари очиб берилган;

Ўзбек Миллий Корпусида идиомаларни қидириш, танлаш ва вариантлари билан кўриш имконини берувчи, мазкур идиоматик birlikлар мазмуни, синонимлари ҳамда вариантлари, инглиз, рус ва баъзи туркий тиллардаги муқобилларини жамловчи ўзбек тили идиомалар онлайн базаси (Idioms.uz) веб-илоvasи яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тилнинг фразеологик тизимида ибораларнинг ўрни, лисоний моҳияти ва вазифаси; ҳосил бўлишнинг лингвомаданий асослари, ўзбек тили идиомаларини миллий корпусда беришнинг усул ва воситалари; ўзбек тили идиомаларининг нутқ маданиятини юксалтиришдаги ўрни ва уларнинг қўлланилиши, ўрганилишига доир илмий-назарий маълумотлар ҳозирги ўзбек тили (лексикология, фразеология, лексикография), лингвокультурология, корпус лингвистикаси, умумий тилшунослик каби фанлар бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мазмунан бойишига хизмат қилиши асосланган;

идиомаларнинг лингвистик шарҳига оид назарий хулосалар ўзбек идиоматикаси, лингвокультурологияси, корпус лингвистикаси бўйича тузилган луғатларнинг янада мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** лингвистик таҳлил методологияси негизида шакллантирилганлиги, жумладан, идиомаларни ўрганишнинг жаҳон ва ўзбек луғатчилиги, фразеологияси, жаҳон корпус лингвистикаси кесимидаги ўрни, лингвомаданий мавқеи далилий



материаллар ёрдамида атрофлича очиб берилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилшунослигида корпус лингвистикаси доирасидаги янги тадқиқотлар учун илмий-назарий манба бўла олиши билан белгиланади. Жумладан, идиомаларнинг лингвомаданий табиати, уларни тил корпусида лексик-семантик разметкаш, ўзбек тилидаги идиоматик қурилмаларнинг семантик-синтактик хусусиятларини таҳлилдан ўтказиш ҳамда уларнинг хорижий тиллардаги вариантларини миллий корпусда беришнинг самарадор усулларига доир назарий маълумотлар лексикология (семасиология), фразеология, лингвокультурология, корпус лингвистиканинг ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса ўзбек тили идиомалар базаси (Idioms.uz) веб-иловасининг мунтазам тўлдириб борилувчи базасидан илмий-амалий мақсадда фойдаланиш имконияти, тадқиқот материалларидан олий таълимда «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Лингвокультурология», «Корпус лингвистикаси» каби курсларни ўқитиш ҳамда шу фанларга доир дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тили миллий корпусида идиомалар базасини ишлаб чиқиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

туркий тиллар қатори ўзбек тили фразеологик тизимида мавжуд лексик-семантик бутунликларнинг ўрни, идиоматик конструкцияларнинг ўрганилишини ўзбек тили мисолидаги ҳолатини асослаш ва тасдиқлашга доир назарий маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-А1-Г007 «Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида» мавзуларидаги фундаментал илмий лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 23 июндаги 17.01/127-сонли маълумотномаси). Натижада фразеологик бирикмаларнинг олам миллий манзарасини шакллантириши ва туркий тиллар қатори ўзбек тилидаги идиоматик қурилмаларнинг лингвомаданий табиатига оид билимларнинг мукамаллашувига эришилган;

идиоматик бирликлар тузилишининг умумий тамойиллари ҳамда унинг ахборот-қидирув тизимидаги аҳамиятини аниқлаш; туркий тиллар (қозоқ, қирғиз, озарбайжон, бошқирд, татар, туркман тили) қаторида ўзбек тили сўз ясалиш тизимида идиоматик бирликларнинг юзага келишида ўхшатиш ва “марказий сўз” ўрнида от ва сифат туркумидаги сўзнинг иштирокини эътироф этиш; идиоматик қурилмаларни лексикографик жиҳатдан идеографик таснифлашда улар таркибидаги локал компонентнинг нима орқали ёхуд қандай ифода топганини аниқлаш эвазига тил корпусида маълумотларнинг тезкор қидирувига эришиш имкониятларини ёритиш;

идиомаларнинг маълум ҳудудда қўлланилувчи, миллий хосланган ва амалий характерга эга луғавий бирликлар экани тўғрисидаги тадқиқ натижаларини компьютер тилшунослиги нуқтайи назаридан лингвистик тадқиқотлар сирасида илмий-таълимий жараёнга тадбиқ этиш ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-Г003 “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги амалий лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 22 февралдаги 35/1-сонли маълумотномаси). Натижада олий таълим соҳасида компьютер лингвистикасини ўрганиш ва лисоний компетенцияни ривожлантиришга доир қарашларнинг мукамаллашувига эришилган;

Идиомаларнинг ўзбек нутқ маданиятида тутган ўрни, лингвомаданий хоссаларининг жонли нутқда намоён бўлишига доир хулосалардан Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси кўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (2021 йил 17 майдаги 01-01/59-сон маълумотнома). Натижада юқори савияли баркамол авлодни вояга етиштириш, ёшлар орасида тил маданиятини шакллантириш ҳамда замонавий ахборот тизимида ўзбек тилининг имкониятларидан фойдаланиш ҳақидаги тарғибот ишлари мазмуни мукамаллашган.

**Тадқиқот натижаларнинг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 2 та халқаро ва 3 та ОАК рўйхатидаги журналларда, 1 та республика илмий-амалий анжуманларида ва 1 та Scopus базасида индексладиган журналда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни 1 та муаллифлик гувоҳномаси, 10 та илмий мақола (уларнинг 3 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК тасарруф этган илмий журналлар ва 2 таси халқаро журналлар ва 2 таси халқаро конференция) ва тезисларда ўз ифодасини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 130 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида идиоматик қурилмаларнинг лингвистик тавсифи**” деб номланган биринчи боби жаҳон тилшунослигида идиомаларга илмий-назарий ёндашувлар, ўзбек

тилшунослигида идиоматик конструкцияларга шарҳ ва улардаги тафовут, қиёсий тилшуносликда идиомаларнинг тавсифи, идиомаларнинг мавзуий гуруҳланишининг муҳокамасига оид масалаларни жамлайди.

Ҳар бир тил соҳиби ўз маданияти ва менталитетини намоён қилувчи тил бирликларига эга бўлиб, тилшунослар томонидан миллий хосланган тил бирликлари муаммоси XX асрнинг бошларида чуқур тадқиқ қилина бошланди. Профессор Ғ.Т.Саломов томонидан “тилнинг мўъжизаси, қаймоғи”<sup>1</sup> деб таърифланган идиомалар XX асрнинг 40-йилларида тадқиқотчилар диққатини тортди. Бу даврга келиб, жаҳон тилшунослигида фразеологик тадқиқотлар кўпроқ лексикографик жиҳатларга таянилиб амалга оширилди. Жумладан, фразеологизмларни луғатларда акс эттириш, этимологиясини изоҳлаш асосий ўринга олиб чиқилди. Проф. Б.Йўлдошевнинг фикрича, фразеологиянинг ривожланиш даври шартли равишда уч даврга бўлиб ўрганилди<sup>2</sup>:

**Биринчи давр** – XVIII аср ўрталаридан XX асрнинг 30-йилларини ўз ичига олади. Бу давр тадқиқотчилари орасида М.В. Ломоносов, В.Даль, А.А.Потебня, Ф.Ф.Фортунатов, Ф.И.Буслаев, Ш.Балли, А.А.Шахматовларнинг қарашлари машхур.

**Иккинчи давр** – XX асрнинг 30-50 йилларини ўз ичига олади, бу даврда Е.Д.Поливанов, В.В.Виноградов, С.И.Абакумов, Г.К.Данилов, Г.О.Винокур, В.Н. Державин, А.И.Ефимов, А.Я. Рожанский, И. Е. Аничкин кабиларнинг<sup>3</sup> илмий ғоялари кенг эътироф этилди.

**Учинчи давр** – XX асрнинг 60- йилларидан то ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр фразеологик тадқиқотлари янги методларнинг қўлланилиши, фразеологик назариянинг тез суръатлар билан ривожланиши ва кўплаб фразеолог мутахассисларнинг етишиб чиққанлиги билан характерланади<sup>4</sup>. Фразеологиянинг соҳа сифатида шаклланиши натижасида унинг таркибий қисмлари ҳам чуқур тадқиқ жараёнига тортилди. Хусусан, фразеологик чатишмалар – идиомалар кўплаб илмий изланишларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Фразеологияда турғун бирликларни ажратиш, таҳлил қилиш, ўрганиш ва тасниф қилишнинг компонент таҳлил, идентификация, аппликация ва комбинация методлари мавжуд. Аммо бу методларни идиоматик

<sup>1</sup> Саломов Ғ.Т. Рус тилидан ўзбек тилига мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. - Тошкент, Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, 1961. – Б. 3.

<sup>2</sup> Йўлдошев. Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. Монография. Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2013. – Б. 4

<sup>3</sup> Винокур Г.О. Избранные работы по русскому языку: сборник научных трудов / Г.О.Винокур; Российская Академия Наук, Институт русского языка им. В.В.Виноградова. – 2-е изд., стер. – Москва : ФЛИНТА, 2016. – 780 с. – (Стилистическое наследие).

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг. Йўлдошев. Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. Монография. Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2013. – Б. 4; Ройзензон Л. И., Малиновский Е. А., Хаютин А. Д. Очерки по истории становления фразеологии как лингвистической дисциплины. – Самарқанд, 1975, - С. 5-70; Малиновский Е.А. История изучения проблем фразеологии в русском языкознании. – Ташкент: Фан, 1991. – С.5-92; Малиновский Е.А. Формирование русской фразеологии и фразеографии. АДД-Алматы, 1995. – С. 3-52; Малиновский Е.А.Формирование русской фразеологической теории в XX веке. Монография. – Самарқанд, 2007. – С.4-131.

бирликларга тўлиқ қўллаш ножоиз, бунга сабаб идиомаларнинг таркибий қисмларга бўлинмаслигидир.

XX асрнинг 40-йилларигача тилнинг фразеологик таркибига бағишланган қарашларни В.Виноградов, Ф.Фортунатов, А.А.Шахматов, А.Булаховский, И.Срезневский, А.Потебня, С.Абакумов ишларидагина учратиш мумкин эди<sup>1</sup>. Лекин кейинчалик бу соҳадаги ишлар салмоғи ошди. Бироқ уларнинг барчасида умумий қоида асосида иш кўриш, В.В.Виноградов, А.А.Шахматов таърифларидан фойдаланиш сезилиб қолди. Бу даврда амалга оширилган изланишларда фразеологик чатишманинг фразеологизм таркибига кириши ва айнан унинг ўзи эканлиги тўғрисидаги қарашлар устувор аҳамият касб этди. Қайд этиш керакки, бу давр жаҳон тилшунослигида фразеологик қатлам унсурлари орасида айнан идиомаларни ажратишга урғу берилди. Жумладан, С.Тарабрина хориж тилшунослари *идиома* деб атовчи, француз фразеологик бирлиги ўрнида қўлланилган ушбу терминни биринчи марта инглиз тилшуноси Л.П.Смит қўллаганини қайд этади<sup>2</sup>. Аммо Л.П.Смитнинг ўзи, шунингдек, В.П.Жуков, В.Н.Шанский ва бошқа олимлар ҳам турғун бирикмаларнинг барчасини фразеологияга оид деб ҳисоблашган.

Гарчи фразеология лингвистиканинг мустақил соҳаси сифатида ажралиб чиққанлигига қарамай, ҳозирда ҳам унга лексикологиянинг бир бўлими сифатида қаралади. Бироқ Н.Н.Амосов, А.М.Бабкин, А.И.Смирницкийлар фақат тегишли гуруҳларнигина бу бўлимга тааллуқли деб ҳисоблайдилар.

Рус тилшунослигида фразеологик бирликларни бир неча мезонларга кўра таснифлаш кузатилади: 1) фразеологик оборотларнинг таркибига кўра; 2) фразеологик оборотларнинг структурасига кўра таснифлаш.

Фразеологик оборотларни таркибига кўра таснифлашни Н.М.Шанский таклиф этган бўлиб, у фразеологик оборотларни икки гуруҳга бўлган: 1) фаол лексикага оид фразеологизмлар; 2) эскирган ёки диалектга оид фразеологизмлар<sup>3</sup>.

Ш.Балли фразеологизмларни икки асосий гуруҳга ажратган: фразеологик қатор ёки одатий фразеологик гуруҳ ва фразеологик бирлик. Ш.Баллига кўра, биринчи гуруҳ фразеологизмларининг қисмлари ўртасида бирмунча эркин бирикиш мавжуд, кейинги фразеологик гуруҳ таркибидаги бирликлар орасидаги боғланиш эса шу қадар кучлики, натижада улар орасидаги мазмун яхлит ҳолга келиб қолган<sup>4</sup>.

И.Ю.Третьякова фикрича: “Фразеологизмлар турли коммуникацион мақсадлар учун трансформацияга учраши мумкин, булар: мазмунни

<sup>1</sup> Фортунатов Ф.Ф. Сравнительное языковедение. Общий курс. В кн: «Избранные труды», т 1. – М., Учпедгиз, 1956. – С. 83.

<sup>2</sup> www.dissercat.com/ С. Ю.Тарабрина Семантика фразовых глаголов и глагольных единиц. Диссертация кандидата наук. 2003. Яна қаранг: Смит Л. Фразеология английского языка. – М., 1959. – С.10.

<sup>3</sup> Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. – М., 1963.

<sup>4</sup> Балли Ш. Французская стилистика. – М., 2001. – С. 89-90.

Яна қаранг: Колесникова А.А. Русские и английские идиомы мотивированные сценариями общеевропейской культуры( сравнительный анализ идиом со словами devil, hell, чёрт, ад и их квазисинонимами. Магистерская выпускная квалификационная работа. – С. Петербург, 2016. – С.6.

аниқлаштириш, маълум тил вазиятида фразеологизмни аниқлаштириш, субъектив баҳо бериш”<sup>1</sup>. Фразеологизмларни норматив қўллашда одатий қўлланилиш рўй беради, бунда одатийликдан ҳеч қандай оғишиш кузатилмайди, окказионал қўлланишда эса фразеологизм таркибига у ёки бу инновациялар киритилади. Бундай нормадан оғиш услубий приём ҳисобланади<sup>2</sup>.

Ўзбек ва жаҳон тилшунослигида фразеологиянинг ўрганилиш объекти кенг ва тор маънода тушунилади. Фразеологиянинг объектини тор маънода тушунувчилар ибораларни мақол ва маталлардан ажратиб изоҳламоқдалар<sup>3</sup>.

*Фразеологизм* тушунчасини кенг мазмунда тушунувчи биринчи гуруҳ олимлари (Л.П.Смит, В.П.Жуков, В.Н.Телия, Н.М.Шанский) барча турдаги барқарор бирикмаларни фразеологизмларга киритишса, Н.Н.Амосов, А.М.Бабкин, А.И.Смирницкийлар фақат маълум гуруҳни фразеологизмга мансуб деб биладилар. Академик В.В.Виноградов мақоллар, маталлар ва машҳур сўзлар (*крылатые слова*)ни фраземалар таркибига қўшмайди. Д.О.Добровольский идиома номи остида фақат фразеологик бирликларни келтирган бўлса, В.В.Виноградов таърифида фразеологизмлар уч гуруҳга бўлинган: А) фразеологик чатишмалар; б) фразеологик бутунликлар; в) фразеологик бирликлар.

Таъкидлаш зарурки, фразеологизм таркибидаги идиома ва идиоматик бирликларнинг изоҳи даврий аҳамиятга эга масала ҳисобланади. Жумладан, Ф.Ф.Фортунатов, В.М.Савицкий, М.Л.Ковшова, Е.Д.Балигина, О.В.Елисеева, М.А.Ганюшина, С.Е.Максимец, Т.В.Кара-Казарьян, О.В.Куманок, Р.Саидов, Г.Ниннин, Т.С.Талабов, Е.М.Маклакова, Н.У.Ворокова, Н.В.Щенникова, Н.В.Баско, В.М.Мокиенко, Е.М.Гирняк, Т.С.Боршевская, И.Е.Аничков, К.Н.Мочалина, Н.Елисеева, Н.Горобец каби тадқиқотчилар ўз ишларида фразеология ва идиоматика муносабатлари, менежмент ва иқтисодий терминологияда идиома, идиомаларнинг болалар томонидан қабул қилинишини нейролингвистик сатҳда ўрганишган, сиёсий ва иқтисодий аспектларда кўриб чиқишган ва бу олимларнинг барчасини фразеологизмни тор мазмунда тушунувчи гуруҳ олимлари қаторига қўшиш ўринлидир.

Шунингдек, тилшунос Ж.М.Ахмедова фразеологияни тор мазмунда тушуниш тарафдорлари бу чегарани фақат идиома (фразеологик чатишма) доирасида қабул қилишди, деган фикрларни билдиради<sup>4</sup>. Демак, фразеологияни барқарор бирикмаларни ўрганувчи соҳа, идиоматикани эса унинг таркибидаги бўлим сифатида тушуниш ўринли.

<sup>1</sup> Третьякова И.Ю. Окказиональные преобразования фразеологизмов с компонентом «душа» // Фразеологизм и слово в национальнокультурном дискурсе (лингвистический и лингвометодический аспекты): Междунар. науч.-практ. Конф., посвящ. юбилею д. ф. н, проф. А. М. Мелерович (Кострома, 20–22 марта 2008 г.). – М.: ООО Элпис, 2008. – С.270.

<sup>2</sup> Гирняк Е.М. Идиоматичность рекламного текста (На материале русской и китайской рекламы) Вестник Пермского университета Российская и зарубежная филология.2011.Вып.1(13). – С. 34

<sup>3</sup> Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. – Тошкент, 1970. – Б.30-31, 36.

<sup>4</sup><https://dissercat.com/> Ж.М. Ахмедова. Фразеология ахвахского языка: На материале ратлубского, цегобского и плянубского говоров. Диссертация кандидата наук. 2004.

В.Н.Телия фразеология объекти хусусида шундай ёзади: “Баъзи олимлар фразеология таркибига фақат идиомалар ва фразеологик бирликларни киритадилар, бошқалари мақоллар ва маталларни ҳам фразеологиянинг бир қисми деб ҳисоблайдилар. Бу бирликларнинг ҳаммасини бир хусусият бирлаштиради: бир неча сўздан иборат бўлиш ва мулоқотда уларга бўлган эҳтиёжнинг кучлилиги”<sup>1</sup>.

О.Ахманова идиоматик бирликларни ўрганувчи соҳани *идиоматика*, идиомаларнинг ўзини *идиоматизм*, *идиоматик ифода* деб атайди ҳамда бу бирликларнинг ингл. *idiom, idiomatic expression*, фр. *idiome, idiotisme*, нем. *idiom, idiotismus*, исп. *idiomatismo* сингари номланишини кўрсатади. Олима идиомаларни “...ўзининг синтактик ва семантик табиати билан тегишли тилнинг бетакрор хусусиятларини намоён этувчи, маълум халқнинг миллий ўзига хослигини кўрсатиб берувчи тил бирлиги” деб ҳисоблайди<sup>2</sup>.

Г.Х.Ахунзянов “фразеология” термини кўп қиррали ва кўп маъноли бўлганлиги учун уни “идиоматика”, “идиомалогия” терминлари билан алмаштириш кераклигини таъкидлайди<sup>3</sup>. Олим идиомаларни 1) яхлит маъноли идиомалар; 2) аналитик идиомаларга ажратади.

С. Жаъфаров турғун сўз бирикмаларини идиомалар, ҳикматли сўзлар, иборалар, оталар сўзи ва зарбулмасаллар каби беш гуруҳга ажратади<sup>4</sup>. С.Жаъфаровнинг таснифида камчиликлар ҳам мавжуд эди, чунки бу таснифда перифразалар ва тасвирий ифодалар аралаш ҳолда берилган. Бизнингча, С.Жаъфаров идиомани кенг маънода тушунувчилар қаторида, ўз талқинидаги таснифни юзага келтирган.

Идиомалар таснифи турли тилларнинг ички хусусиятларига кўра фарқланади. Бу уларнинг корпусда акс этишига бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, Ф.П.Кауи ҳамда Р.Маккина идиомаларни семантик ва синтактик хусусиятларига кўра 4 гуруҳга бўлган: хусусий идиомалар (*to blow the guff*); метафорик идиома (*to beat one's breast*); ярим идиомалар (*a blind alley*); очик коллокациялар (*heavy rain*).<sup>5</sup>

Таникли инглиз тилшуноси М.Маккарти идиомаларни категориялаштиришда бир қанча терминларни қўллайди. Булар: 1) *opaque idioms* – тушунарсиз, ноаниқ идиома; умумий мазмуни компонентлар мазмунидан келиб чиқмайдиган идиомалар (*to kick the bucket*); 2) *semi-opaque idioms* – ярим тушунарсиз, ярим ноаниқ. Яъни қайта номлаш мумкин бўлган идиомалар (таққ.: *to pass the buck* ва *to pass the responsibility*); 3) *transparent idioms* – шаффоф идиома. Тушунишда қийинчилик туғдирмайдиган идиомалар (*to see the light*)<sup>6</sup> каби.

<sup>1</sup> Телия В.Н. Что такое фразеология. – М.: Наука, 1966.

<sup>2</sup> Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Сов. энциклопедия, 1966. – С. 161.

<sup>3</sup> Ахунзянов Г. Х. Идиомы (исследование на материале татарского языка): Автореф. дис. канд. филол. наук. – Казань, 1974.

<sup>4</sup> Жаъфаров С. Ҳозирги замон озарбайжон тили лексикаси (озарбайжон тилида). – Боку, 1958.

<sup>5</sup> Cowie A.P., Mackin R. Oxford Dictionary of Current Idiomatic English. - Vol. 2. Phrase, Clause and Sentence Idioms. - Oxford University Press, 1983.

<sup>6</sup> McCarthy M. Vocabulary. - Oxford University Press, 1990.

Таркиби вульгар бирликлардан таркиб топган идиомалар В.Буйнинг “Русская заветная идиоматика: весёлый словарь крылатых выражений”<sup>1</sup> луғатида учрайди ва унда 1000 га яқин сўкишга оид, ноодатий сўзлашувга хос барқарор бирликлар жамланган.

Ибораларни бадий асар ғоясига мувофиқ ўзгартириш мумкин. Ёзувчилар, одатда, ибораларни тасвир мақсадига мувофиқ танлаб қўллаш билангина кифояланиб қолмайдилар. Балки уларни қаҳрамонлар табиати, рухий ҳолати, ҳаёт тарзига мослаб ўзгартиради ва қайта ишлайди. Масалан, О.Аметова Юсуф Хос Ҳожибнинг тилдаги мавжуд, тайёр фразеологик иборалардан асар тилининг жонли, ширали чиқиши учун ўринли фойдалангани, кўпгина ҳолатларда ўзини янги фразеологик ибораларнинг ижодкори сифатида ҳам кўрсата олганини<sup>2</sup> қайд этади. Демак, иборалар қуйидаги ўзгаришларга учраши мумкин: 1) ибора таркибидаги айрим сўзлар алмаштирилади; 2) ибора таркиби кенгайди; 3) ибора таркиби қисқаради.<sup>3</sup> Бу қайта ишлаш натижасида иборалар: маънода янги талқиннинг юзага келиши; лексик таркибнинг ўзгариши; семантик-стилистик функцияларнинг кенгайиши; мазмунга янги мажозий ва образли маъноларнинг қўшилиши сингари “деформация”ларга учрайди<sup>4</sup>. Лекин бу ҳолат идиомаларда кузатилмайди, шу хусусияти билан у бошқа турдаги иборалардан фарқ қилади. Аммо Ж.Осмонова идиома компонентлари семантик ва синтактик яхлит бўлишига қарамай, шакл ясовчи қўшимчаларда ўзгариб келишини айтади. Масалан, *сирке+си суу котарбойт – сирке+м суу котарбойт* каби.<sup>5</sup> Кўринадики, идиомалар таркиби монолит (яхлит) бўлиб, уларнинг ўзига хос муҳим хусусияти иборалардаги каби ўзгаришларга учрамаслигидадир.

Инглиз тилшуноси Р.Мун инглиз идиомаларини функционал жиҳатдан беш гуруҳга ажратади: 1) ахборот идиомалари (*to catch sight of something, for sale*); 2) баҳолаш идиомалари (*kid's stuff, a different kettle of fish*); 3) вазият идиомалари (*long time no see, knock it off*); 4) модаллашган идиомалар (*I kid you not, you know what I mean*); 5) ташкилий идиомалар (*by the way, for instance*)<sup>6</sup>.

Идиомаларни ўрганган олимлардан яна бири А.Маккай идиомаларни алоҳида ўрганиб, икки қисмга ажратди: лексема даражасидаги идиомалар (lexemic stratum); семема даражасидаги идиомалар (sememic stratum). Лексема даражасидаги идиомаларга: – *come up with* типидagi феълли бирикмалар (phrasal verbs); – *to kick the bucket* типли фигуралар; биномлар (*here and there*); фразеологик сўз бирикмалари (*White House*); таркибли феълли идиомалар (*to baby-sit*). Олим семема даражасидаги идиомаларнинг номланишда аниқланадиган, семемаларга боғлиқ табиатини алоҳида

<sup>1</sup> <https://www.livelib.ru>>100 В.Буй. Русская заветная идиоматика: весёлый словарь крылатых выражений.

<sup>2</sup> Аметова О. “Кутадғу билик”да фразеологизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. №1. 2020. – Б. 114.

<sup>3</sup> Жумабоева С.М. Ўткир Ҳошимов асарларида фразеологизмлар. Битирув малакавий иши. – Тошкент: ЎзМУ, 2014. – Б.14.

<sup>4</sup> Шомаксудов А ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. –Т., 1974. – Б. 70.

<sup>5</sup> Осмонова Ж. Идиомы в киргизском языке: Автореферат на соискание уч.степени канд. наук. – Фрунзе, 1969. – С.5.

<sup>6</sup> [https:// booknline.ru](https://booknline.ru). Петросян И.В. История изучения фразеологизмов и идиом.

белгилайди. Унингча, “маданий-прагмема” номи билан аталган ушбу идиомалар матн таҳлилида аниқланади ва уларнинг конвенционал характери белгиланади<sup>1</sup>.

Умумий ҳолда бугун тилшуносликда “Идиомалар табиатини очиб беришда қайси йўналиш ва усулни танлаш маъқул?”, “Уларни умумий билдирган мазмун асосида яхлит тушуниш керакми ёки миллий колорит, миллий-ментал хосланишга таяниб иш кўриш керакми?” деган саволларга жавоб изланмоқда. Идиомаларга тегишли мавжуд тавсифлар фразеологик бирликнинг идиома сифатига ўтиши учун қуйидаги хусусиятларга эга бўлишини исботлайди: фақат бир тилгагина хос бўлиб, бошқа тилга айнан таржима қилинмаслиги; миллий колоритга эга бўлиши; идиома маъноси компонентлари мазмунидан тубдан фарқ қилиши; икки ва ундан ортиқ сўз ва сўз бирикмасидан тузилиб, синтактик жиҳатдан бир бўлакка тенг бўлиши, гап таркибида бир сўз бирлигига тенг келиши; бошқа тилларда муқобилларининг мавжудлиги (аммо сўзма-сўз таржима қилиб бўлмаслиги аҳамиятлидир).

Ўзбек фразеологиясининг равнақ топишида Ш.Раҳматуллаев, А.Маматов, Б.Йўлдошев, А.Исаев, М.Рўзикулова, К.Бозорбоев, У.Рашидова, Ш.Ғаниева, Ш.Алмаматова, Б.Болтаева каби олимларнинг хизматлари улкан.

1960 йилларда фразеологик бирликларни таснифлаш масаласи жадаллашди. Жумладан, Ш.Раҳматуллаев, У.Турсунов, А.Маматов, Ф.Исҳоқов, К.Бозорбоев, Д.Абдуллаев, М.Вафоева, Ш.Алмаматова, М.Холиқова, Э.Умаров, Я.Пинхасов каби тилшуносларнинг ишларида айнан *идиома* термини келтирилган бўлмаса-да, моҳиятан ўзбек тили ибораларининг кенг кўламли тадқиқи амалга оширилди.

Ўзбек тилида идиоматикага оид тадқиқотлардан бири М.Рўзикулованинг “Ўзбек тилида идиомалар” мавзусидаги номзодлик диссертацияси (1966) ҳисобланиб, бу иш нисбатан анча олдинги ишлар сирасига киради. Унда идиоманинг табиати ва фразеологик бирликлар орасидаги ўрни ҳақида фикр юритилган, хулосалар қилинган. Ўзбек тилидаги фразеологик бирликлар маъно хусусиятларига кўра икки турга: а) фразеологик бутунлик; б) фразеологик чатишма каби турларга ажратилган.

XX асрнинг 60-йилларида диалектал фразеологизмлар соҳа тадқиқотчиларини ўзига жалб этди. Хусусан, Х.Дониёровнинг “Ўзбек тили “ж”лашган (кипчоқ) диалектининг фразеологияси устидан кузатишлар” номли<sup>2</sup> тадқиқотда фразеологизмлар ибора сифатида таҳлил қилинган, аммо идиоматик бирлик сифатида ўрганилмаган.

Бундан ташқари, диалектал фразеология масалалари бўйича Т.Содиқов, Ҳ.Узоқов, Н.Ражабов, М.Валиева, Б.Файзуллаев, А.Ишаев каби тилшунослар ўз ишларида Ўзбекистон ҳудудидаги турли вилоят шеваларининг диалектал

<sup>1</sup><https://www.dissercat.com/content/struktura-i-funktsii-idiom-na-materiale-substantivnykh-ustoichivyykh-slovosochetanii-i-slozhn> Ерохина Н.В. Структура и функция идиома; На материале субстантивных и устойчивых словосочетаний.

<sup>2</sup> Дониёров Х. Ўзбек тили “ж”лашган (кипчоқ) диалектининг фразеологияси устидан кузатишлар// Фразеология масалалари, СамДУ асарлари, янги серия, 106- чиқиши. – Самарқанд. – Б. 80-85.



фразеологиясини ўрганишган. Аммо профессор Э.Бегматовнинг фикрича, “халқ тили фразеологизми, айниқса, ўзбек диалектал фразеологияси ҳали чуқур тадқиқ қилингани йўқ”<sup>1</sup>. Фразеологиянинг таркибидаги бирлик сифатида идиомалар бу тадқиқотларда алоҳида эсланмаган.

Мазкур бобда фразеологизмларнинг туркий тиллардаги ўзига хосликлари фразеологик бирликлар ва идиомалар мисолида таҳлил қилинди.

**“Тилнинг миллий корпусида идиомалар базасини яратишда лексикографик асос”** деб номланган иккинчи бобда идиомаларнинг мавзуий гуруҳлари, жаҳон тиллари изоҳли луғатларида идиомаларнинг берилиши, тил корпуси ва лексикографик манба, жаҳон тиллари миллий корпусларида луғавий бирликларнинг берилиши (фразема ва идиомалар мисолида), идиоматик бирликларни Миллий корпусда акс эттиришнинг илмий-амалий аҳамияти масалалари ёритилди. Хусусан, идиомаларнинг тил тизимида пайдо бўлишига доир ҳолатларни тадқиқ этиш дунё тилшунослари томонидан ушбу турғун бирикмаларнинг турли мавзуий гуруҳларга ажратилишига олиб келган. Жумладан: диний асосларни ифодаловчи идиомалар (Муқаддас Қуръон оятлари, мусулмон эътиқодига мансуб шаърий қарашлардан таркиб топган идиомалар; инжил сюжетлари билан боғлиқ идиомалар – библеизмлар); муайян ижодкор фаолиятига алоқадор идиомалар; соматик тушунчаларни ифодаловчи идиомалар; “хайвон” семантик компонентли идиомалар; маиший буюмларни ифодаловчи идиомалар; таом, егулик номларини ифодаловчи идиомалар; мифологик асосга эга идиомалар.

Ибора ёки турғун бирикмалар семантик жиҳатдан бўлинмас бирликни ташкил этгани учун лексикографияда матнга автоматик ишлов бериш жараёнида буни инобатга олиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқ зарур. Корпус материали асосида статистик метод орқали қайси сўзлар доим биргаликда қўлланиши, бунинг натижасида турғун бирикмага қанчалик алоқадор эканлигини аниқлаш мумкин<sup>2</sup>. Идиомаларда эса бу масъулият янада ошади, сабаби идиома нафақат турғун бирикма, балки семантик жиҳатдан компонентлар билдирган мазмундан фарқ қиладиган бирликдир. Маъноси ўз таркибидаги сўзлар маъноларига боғлиқ бўлмаган, яхлит ҳолда бир маъно берувчи, ихчам иборадир<sup>3</sup>. Шу боис таклиф этилаётган идиомалар базаси мазмуни, синоними, варианты, рус тили, инглиз тилидаги эквивалентлари ва бадий асар матни, сўзлашув услубидан олинган мисоллари билан келтирилиб, жонли тил вазияти очикланди. XIX-XX асрларда хорижда шаклланган бу принципни корпус лингвистикаси ўз методологиясига айлантирди. Зеро, корпус лингвистикасининг предмети – тил меъёри эмас, одатий, расмга айланган тилдир.

Идиомалар ўзбек тилидаги барча изоҳли луғатларда мавжуд, аммо уларда идиома сифатида эмас, балки фразеологик бирлик, ибора сифатида келтирилган. Идиомаларнинг рус тилидаги изоҳли луғатларда берилиши

<sup>1</sup> Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б.15.

<sup>2</sup> Қаранг: Захаров В.П. Корпусная лингвистика. Учебно-методическое пособие.–Санкт-Петербург, 2005. – С. 48.

<sup>3</sup> ЎТИЛ. 1981 йил 2 жилдли. – Б. 169.

нисбатан мукаммал кўриниш ва афзалликларга эга, компьютер технологияларидан қисман бўлса-да фойдаланиш мавжуд бўлиб, баъзи луғатлар рус тили корпуси асосида тузилган ва маълумотларнинг тезкор қидирувига эга эканлиги билан таҳсинга сазовор. Идиомаларнинг инглиз тилидаги (American English, British English, Australian English) луғатларнинг мобил илова шаклидаги версияларида аудиовариантдаги, расмли, анимацион форматли талқини ҳам мавжудлиги бу борада инглиз тили идиомалар луғатларининг анча мукаммал эканлигини тасдиқлайди.

